



**Ilmiy amaliy
jurnal
№ 4 (6)
2026**

**YANGI
O'ZBEKISTON
IQTISODIYOTI**

“YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI” *jurnali* 4-son 2026 yil

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY TA’LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI**

**MIRZO ULUG‘BEK NOMIDAGI
O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI**

YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI

4

ISBN 978-9943-5256-3-4

Toshkent – 2026

MUNDARIJA

Юлдашев Ш.Г. Конвергенция и поляризация развитых и развивающихся стран в эпоху развития искусственного интеллекта.....	8
Mamatov B.S. Foreign investment is an important factor of economic growth.....	15
Raximova K.N. Raqamli iqtisodiyot sharoitida telekommunikatsiya kompaniyasining rivojlanish tendensiyasi.....	22
Karimov Sh.X. Turizmni barqaror rivojlantirishda hududiy boshqaruv omillarining ahamiyati.....	26
Raximov D.Sh. To‘qimachilik sanoatida diversifikatsiya darajasi va iqtisodiy samaradorlik ko‘rsatkichlari tahlili.....	30
Rashidova K. Asalarichilik mahsulotlari bozorida marketing faoliyati samaradorligini oshirish.....	32
Хакимов Д.Р. Процессы, возможности и ограничения экономической интеграции между Республикой Узбекистан и Китайской Народной Республикой.....	37
Olimjanova Sh.O., Eshonqulov I.N. O‘zbekistonda agrar munosabatlarni takomillashtirishda resurs tejamkor texnologiyalarni joriy etish masalalari.....	42
Valikulov Sh.Z. O‘zbekistonda neft-gaz sanoatiga investitsiyalarni jalb qilishning institutsional muammolari va yechimlari.....	48
Ganieva L.S. Bojxona xizmatlari samaradorligini oshirishning nazariy asoslari.....	52
Axrorova N.U. Turizm xizmatlaridan tajriba iqtisodiyotiga o‘tish: evolyutsion tahlil.....	56
Kamilova A.N. Sanoat ishlab chiqarish korxonasida mehnatni normalashtirish menejmentini tashkil etish va takomillashtirish yo‘llari.....	61
Umurzakova Z.S. Sanoat korxonalarida ishlab chiqarish quvvatlaridan foydalanishni takomillashtirish chora-tadbirlari.....	66
Abdiyeva D.K. Priority directions for improving the national logistics policy in Uzbekistan.....	69
Xalimova N.J. Kreativ turizm: nazariy asoslar va ta’riflar qiyosiy tahlili.....	74
Maxramova N.Y. Strategik menejmentda qadriyatlar zanjiri: raqobatbardoshlikni oshirishning konseptual asoslari.....	78
Zaxirova G., Shavkatova N.O’. O‘zbekistonda turizmni rivojlantirish masalalari.....	82
Maxmudov H., Muxtarova G., Maxmudov H. Ekologik muommolar va ularning mamlakat iqtisodiyotga ta’siri.....	86
Umurzakova M.N., Gulahmadov Sh.A. Davlat ichki va tashqi qarzlarning ijobiy va salbiy jihatlar tahlili.....	89
Xasanov I.M. O‘zbekistonda mulkchilik munosabatlarning transformatsiyasi: tadbirkorlikni rivojlantirish omili sifatida.....	94
Abdullayev M.G’. Personalni boshqarish tizimining ilmiy-nazariy asoslari va uning korxona samaradorligiga ta’siri.....	101
Адилов Б.Б., Абдуллаева М.К. Ўзбекистонда саноат корхоналарини ривожлантириш, тенденциялари.....	105
Абдуғаниев Ё.Ж. Яшил иқтисодиёт - барқарор ривожланиш мақсадларининг янги парадигмаси сифатида.....	112
Xusanboyeva T.M. Talabalarning iqtisodiy tafakkurini shakllantirishda to‘garaklarning o‘rni va ahamiyati.....	116
Xashimova S.N. O‘zbekiston milliy yashil taksonomiyasi mohiyati va ahamiyati.....	120
Mitillayev I.T. Tijorat banklarida kredit risklarini baholashda zamonaviy scoring modellari va ularning samaradorligini oshirish yo‘llari.....	124
Бобоқулова М.Ғ. Инвестиция муҳити ва Ўзбекистондаги инвестиция жараёнларининг динамикаси.....	127
Bekberganova M.R. “O‘zbekistonda sug‘urta kompaniyalari tushumlarining ekonometrik tahlili”.....	134
Рахимова М.Ш. Модернизация системы социальной защиты.....	138
Oqboyev A.R. Tadbirkorlik subyektlari eksport salohiyatini xalqaro standartlar asosida oshirish yo‘llari....	142
Djumanova R.F. Aholi turmush sifatini baholashning metodologik yondoshuvlari.....	147
Mamatov B.S., Umurzakova M.N. Davlat tibbiy sug‘urta tizimida bepul xizmatlar, reimbursasiya va foydalanish shartlari.....	154
Ешимбетов У.Х. Қишлоқ хўжалигини ҳудудий ташкил этиш ва иқтисослаштиришнинг илмий асослари.....	158
Xodjaeva F.K. Sanoat ishlab chiqarishini tartibga solishning iqtisodiy mexanizmlarini takomillashtirish....	167
Yusupova M. Hududlarda ayollar va yoshlar tadbirkorligini rivojlantirishda institutsional qo‘llab-quvvatlash tizimini takomillashtirish.....	171
Abduxalilov B.Z. O‘zbekistonda IT provayderlar xizmatlari raqobatbardoshligini oshirish: huquqiy va institutsional asoslar.....	175
Abdisamatov A.A. Tadbirkorlik faoliyatini rivojlantirishning nazariy asoslari.....	178

“YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI” *jurnali* 4-son 2026 yil

Abdusalomov I.J. Korxonalarda chiqindilarni boshqarish tizimini takomillashtirish va uning moliyaviy natijalarga ta'siri.....	182
Amirov L.F., Sokhibjonova S.S. Directions for increasing agricultural product exports in the context of a green economy.....	185
Boltaxo'jayeva I.O'. Ways to improve the enterprise management system based on modern management models.....	191
Dehqonov U.M., Sativaldiyeva G. Korxonalarda bo'nak to'lovlari hisobining moliyaviy hisobotga ta'siri va ularni optimallashtirish bo'yicha tahliliy yondashuvlar.....	195
Isoqova M.A. O'zbekistonda yashil energiyadan foydalangan holda kichik biznesni rivojlantirishning institutsional va moliyaviy mexanizmlari.....	199
Mamadaliyev B., Teshaboyev J. Korxonalarda mehnatga haq to'lash hisobini avtomatlashtirish va audit samaradorligini oshirish yo'llari.....	202
Poziljonov M., Teshaboyev X. Davlat muassasalarida asosiy vositalarning hisobini takomillashtirish va ulardan foydalanish samaradorligini oshirish.....	206
Rustamova F.A. Qishloq hududlarida kichik biznes va xususiy tadbirkorlik faoliyatining iqtisodiy samaradorligini oshirishda innovatsion yondashuvlarning roli.....	209
Tursunboyev Q.O. Transport xizmatlari ko'rsatish sohasida kichik tadbirkorlik faoliyatini rivojlantirishning xorijiy tajribalari.....	213
Umarov T.S. Hududlarda qurilish korxonalarini faoliyatini samarali tashkil etishni ekonometrik modellash va prognozlash.....	216
Xo'jaliyev A.O., Avilov N. Moliyaviy natijalar hisobi va auditda raqamli texnologiyalardan foydalanish samaradorligi.....	220
Xomidov T.T., Arziboyeva R.S. Bank aktivlarining tarkibi va ularni boshqarish omillari.....	223
Xusainov M. Sanoat korxonalarida mahsulot tannaxsini kalkulyatsiya qilish tizimini takomillashtirishning metodologik asoslari va audit mexanizmlarini rivojlantirish.....	227
Begaliyeva M.A., Egamshukurova N.R. Jahon savdo tizimi va milliy iqtisodiyot uchun uning ahamiyati..	231
Gulimboyev S.I. Korxonalarda moliyaviy resurslar taqsimotining zamonaviy usullari.....	235
Ibodov J.Q. Moliyaviy tizimning xizmatlar sohalari va bo'g'inlari.....	239
Jumabayeva K.B. Xalqaro pensiya tizimi modellari va ularning mintaqaviy tamoyillari.....	243
Khusanova Z.R., Yo'ldasheva Z.U. Global trends in the development of international tourism services....	249
Sadullayev M.D. Sanoat korxonalari innovatsion faoliyatini boshqarish.....	252
Tilabov N.T. Davlat qarz siyosatini samarali boshqarish strategiyasini takomillashtirish.....	256
Toshtemirov Y.N. O'zbekistonda logistik faoliyatni rivojlantirishning hozirgi darajasi.....	264
Toshtemirova Z.M. Mahalla institutining iqtisodiy integratsiya jarayonlaridagi strategik ahamiyati.....	268
Uralov E.O. Surxondaryo viloyati xududida sanoatni shakllanishi va rivojlanishi.....	273
Xursanova F.Sh. Budjetlararo munosabatlarning iqtisodiy mazmuni.....	278
Yuldasheva G.A. Investitsion qarorlarni kabul qilishda moliyaviy tahlilning ahamiyati va roli	282
Абдуллаева Р. Тadbirkorlikning zamonaviy kuryentlari.....	287
Юлдашев А. Фаргона вилояти маҳаллаларида инвестиция фаоллигини оширишнинг институционал асослари	292
Abdumalikova Z., Razakova B.S. O'zbekiston sug'urta bozorini moliyaviy texnologiyalar (insurtech) asosida rivojlantirish: imkoniyatlar va yo'nalishlar.....	294
Azimov B.F. Milliy innovatsion tizimni boshqarishda tashkiliy-institutsional va moliyaviy-iqtisodiy mexanizmlarning roli.....	300
Begaliyeva M.A. Raqamli iqtisodiyot sharoitida oliy ta'lim tizimida sifat menejmentini samarali joriy etishning ahamiyati.....	304
Dawletmuratov A.M. Xizmatlar bozorini rivojlantirish orqali bandlikni oshirish va daromadlarni ko'paytirish mexanizmlari.....	308
Karimova L.S., Jabborov A.A. O'zbekistonda raqamli iqtisodiyot: holati, muammolar va rivojlanish istiqbollari.....	313
Maxmudov F.U. Oliy ta'lim muassasalarida moslashuvchan marketing strategiyalarini ishlab chiqish mexanizmlari.....	319
Navruz-zoda L.B. Kichik biznes subyektlarining kadrlar salohiyati va bilim infratuzilmasiga bo'lgan talablari: Buxoro viloyati misolida.....	323
Nishonboyev D.E., Abdumalikov S.T. Chorvachilik tarmog'ini innovatsion boshqaruv asosida rivojlantirish istiqbollari.....	327

Nurmirezayeva N.R. Valyuta kursi o‘zgarishining eksport-importga ta’siri: O‘zbekiston misolida amaliy baholash.....	331
Rahimov A.M. Hududiy iqtisodiyotni rivojlantirishda qayta ishlash sanoatini rivojlantirishning samarali mexanizmlarini takomillashtirish.....	335
Ibragimova G.S. Ta’lim sifatini baholashning xalqaro tajribasi va uni joriy etish.....	339
Ravshanova M.M. Hududiy iqtisodiy salohiyatni baholashda zamonaviy raqamli texnologiyalardan foydalanish va ularning elektron tijorat tizimidagi o‘rni.....	343
Ro‘ziboyeva M. O‘zbekistonda ishchi kuchi migratsiyasi va iqtisodiy o‘sish darajasining o‘zgarish dinamikasi.....	347
Saidova F.K., O‘rozov Sh. Korporativ ijtimoiy mas’uliyat (CSR) va yashil iqtisodiyot: logistika sektorida boshqaruv strategiyalari.....	350
Sultonov S.N. Hududlarda klasterlarini investitsion - innovatsion rivojlantirish istiqbollari (Qashqadaryo viloyati misolida).....	354
Sultonova D.U. Korxona iqtisodiyotida resurslarni boshqarishning raqamli-integratsiyalashgan modelini takomillashtirish.....	358
To‘raxojayev H.H., Hoshimov P.Z. Islomiy banklarning ishlash tamoyili va islom moliya tizimining O‘zbekiston iqtisodiyotiga tadbiqu.....	362
Tursunova N.U. Bridging the innovation gap: development-focused entrepreneurship support and international intermediaries.....	368
Акрамова Г.А. «Роль женщин-ученых в совершенствовании механизмов коммерциализации ремесленных услуг Узбекистана в условиях цифровой экономики».....	374
Болтаев Ж.А. Трансформация банковского сектора в условиях цифровизации мировой экономики..	379
Жунайдуллаев М.А. Жанубий Кореяда рақамли таълим технологиялари орқали индивидуал спортчиларини тайёрлаш тизимини бошқаришнинг миллий хусусиятлари.....	384
Митрушова М.Л. Интеллектуальный капитал как ключевой фактор инновационного развития предприятия.....	388
Муродов О.У. Барқарор ривожланиш тушунчаси ва унинг иқтисодий, ижтимоий ҳамда экологик мезонлари.....	392
Саидова Г., Ибрагимова К., Қурбонов А. Рақамли трансформация шароитида енгил саноат корхоналари маҳсулотларининг халқаро рақобатбардошлигини ошириш стратегиялари.....	396
Sarkarov S.Z. O‘zbekistonda qurilish sohasining texnologik bisqichlar kesimida rivojlanishi.....	401
Minojiddinova N.M. Aksiyadorlik jamiyati korxonalarida xodimlarni samarali boshqarishda raqamli texnologiyalardan foydalanish istiqbollari.....	406
Ruzmetova I.Y. Xorazm viloyati iqtisodiyotida kichik biznesning o‘rni.....	410
Qudratov D., Ismoilov A. Kichik biznes va xususiy tadbirkorlikning tarmoqlar rivojidadagi o‘rni.....	414
Qodirov H.D. Soliq ma’muriyatchiligini takomillashtirish orqali davlat byudjeti daromadlarini barqaror oshirish yo‘llari.....	417
Kinjayev K.N. Banklarda kreditlar tasnifini yaxshilash orqali rentabellikni ta’minlash yo‘llari.....	421
Макушина А.Ю. Государственная поддержка экспортного потенциала субъектов малого предпринимательства в Республике Узбекистан.....	424
Rejapov X.X., Oxunjonova K.K. Ixtisoslashtirilgan savdo majmualarini moliyaviy resurslarini shakllantirish va ishlatish yo‘nalishlari – Bek Baraka savdo majmuasi misolida.....	430
Махкамова Н.С. Роль государственно-частных партнерств (ГЧП) в продвижении устойчивого развития	434
Avilov N., Muhammadova G. Korxonalarda materiallar harakatining auditi va iqtisodiy tahlili.....	441
Abdullayeva R.G., Raxmonova I.S. O‘zbekiston qishloq hududlarida bandlikni ta’minlash holati va rivojlanish tendensiyalari.....	444
Yusupova M.B. Ustama ishlab chiqarish xarajatlarini taqsimlashning ABC usuli.....	447
Toshpo‘latov M.A. Ta’lim loyihalarida moliyaviy mablag‘lardan samarali foydalanishning xususiyatlari...	452
Hamidova Sh., Ahmadaliyeva H. Kapital qo‘yilmalarning samaradorlik tahlili.....	458
Хамракулов С.М. Собственный капитал в функционировании экономических субъектов Республики Узбекистан.....	461
Zayavitdinova N.M. Raqamli platformalar asosida xizmat ko‘rsatish korxonalarida boshqaruv samaradorligini oshirishning tashkiliy-iqtisodiy mexanizmlari.....	465
Turg‘unov T.S. O‘zbekistonda aholi turmush darajasini statistik taxlil qilishning ahamiyati.....	469
Ботирова З.Қ. Рақамли иқтисодиёт шароитида даромадларни бошқаришнинг хусусиятлари....	475
Бегимова Н.К. Меҳнат бозорида гендер тафовутларининг келиб чиқиш сабаблари.....	481

**МЕХНАТ БОЗОРИДА ГЕНДЕР ТАФОВУТЛАРИНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШ
САБАБЛАРИ**

ПРИЧИНЫ ВОЗНИКНОВЕНИЯ ГЕНДЕРНЫХ РАЗЛИЧИЙ НА РЫНКЕ ТРУДА

CAUSES OF GENDER DIFFERENCES IN THE LABOR MARKET

Бегимова Нафосат Комилжоновна

Ўзбекистон Республикаси Банк молия академияси 2-босқич магистранти

Илмий раҳбар: PhD Рахмонов Н.

Аннотация

Мазкур мақолада меҳнат бозорида гендер тафовутларининг келиб чиқиш сабаблари таҳлил қилинган. Тадқиқотда инсон капитали, меҳнат бозори сегментацияси, институционал муҳит ва ижтимоий омилларнинг таъсири ўрганилди. Олинган натижалар гендер тафовутлари кўп омили характерга эга эканлигини ва уларнинг иқтисодий, институционал ҳамда ижтимоий омиллар таъсирида шаклланишини кўрсатади. Ўзбекистон меҳнат бозори мисолида гендер тенгсизликнинг асосий кўринишлари баён этилди. Мақолада гендер тафовутларини камайтириш бўйича комплекс ёндашув зарурлиги асослаб берилган.

Калит сўзлар: гендер тафовутлари, меҳнат бозори, гендер тенгсизлик, инсон капитали, меҳнат бозори сегментацияси, институционал омиллар, ижтимоий омиллар, иш ҳақи фарқи, бандлик.

В данной статье проанализированы причины возникновения гендерных различий на рынке труда. В исследовании рассмотрено влияние человеческого капитала, сегментации рынка труда, институциональной среды и социальных факторов. Полученные результаты свидетельствуют о том, что гендерные различия носят многофакторный характер и формируются под воздействием экономических, институциональных и социальных факторов. На примере рынка труда Узбекистана раскрыты основные проявления гендерного неравенства. В статье обоснована необходимость комплексного подхода к сокращению гендерных различий.

Ключевые слова: гендерные различия, рынок труда, гендерное неравенство, человеческий капитал, сегментация рынка труда, институциональные факторы, социальные факторы, разрыв в оплате труда, занятость.

This article analyzes the causes of gender differences in the labor market. The study examines the impact of human capital, labor market segmentation, institutional environment, and social factors. The results indicate that gender differences are multifactorial in nature and are formed under the influence of economic, institutional, and social factors. The main manifestations of gender inequality are illustrated using the example of the labor market in Uzbekistan. The article substantiates the need for a comprehensive approach to reducing gender differences.

Keywords: gender differences, labor market, gender inequality, human capital, labor market segmentation, institutional factors, social factors, wage gap, employment.

Ҳозирги глобал иқтисодиёт шароитида меҳнат бозорида гендер тенгсизлик муаммоси нафақат ижтимоий адолат масаласи, балки иқтисодий самарадорликка таъсир этувчи муҳим омил сифатида қаралмоқда. Жаҳон миқёсида аёллар ва эркаклар ўртасида иш ҳақи, иш билан бандлик, лавозим ўсиши ва меҳнат шароитлари бўйича мавжуд фарқлар иқтисодий ресурслардан тўлиқ фойдаланилмаётганини кўрсатади [12].

Илмий адабиётларда гендер тафовутларининг келиб чиқиш сабаблари турли назарий ёндашувлар орқали изоҳланади. Жумладан, инсон капитали назариясига кўра, гендер фарқлари таълим, малака ва иш тажрибасидаги фарқлар билан тушунтирилади [4]. Аммо замонавий тадқиқотлар бу омиллар етарли эмаслигини ва институционал, ижтимоий ҳамда дискриминацион омиллар ҳам муҳим рол ўйнашини кўрсатмоқда [5]. Шу билан бирга, меҳнат бозоридаги гендер тафовутларининг шаклланишида куйидаги омиллар алоҳида аҳамиятга эга: меҳнат бозорининг сегментацияси, гендер стереотиплари, институционал чекловлар, иш ва оила вазифалари ўртасидаги номуносиблик. Хусусан, постсовет мамлакатлари, жумладан Ўзбекистон шароитида гендер тафовутлари миллий меҳнат бозори хусусиятлари билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, бу ҳолат кўшимча таҳлилни талаб қилади [1; 2; 3].

Мазкур тадқиқотнинг мақсади – меҳнат бозорида гендер тафовутларининг келиб чиқиш сабабларини тизимли таҳлил қилиш ва уларни шакллантирувчи асосий омилларни аниқлашдан иборат.

Мазкур тадқиқотда меҳнат бозорида гендер тафовутларининг келиб чиқиш сабабларини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш мақсадида комплекс илмий ёндашув қўлланилди. Тадқиқот жараёнида назарий ва эмпирик таҳлил усуллариининг уйғунлашган ҳолда қўлланилиши гендер тенгсизликни шакллантирувчи омилларни тизимли равишда аниқлаш имконини берди. Хусусан, илмий адабиётларни таҳлил қилиш орқали гендер тафовутларининг иқтисодий, институционал ва ижтимоий асослари ўрганилди ҳамда уларнинг ўзаро боғлиқлиги аниқланди.

Тадқиқотда, аввало, таҳлил ва синтез усуллариининг фойдаланилди. Бу усуллар ёрдамида сўнгги йилларда Scopus, Web of Science ва бошқа халқаро илмий базаларда чоп этилган мақолалар, шунингдек, миллий ва минтақавий тадқиқотлар ўрганилди. Мазкур манбаларда келтирилган назарий ёндашувлар, жумладан инсон капитали назарияси, меҳнат бозори сегментацияси концепцияси ҳамда дискриминация назариялари умумлаштирилиб, гендер тафовутларининг асосий манбалари аниқланди. Шу билан бирга, қиёсий таҳлил усули орқали турли мамлакатлардаги меҳнат бозорида гендер фарқларининг намоён бўлиш хусусиятлари солиштирилди. Ривожланган давлатлар (OECD мамлакатлари) ва ривожланаётган иқтисодиётлар, жумладан Ўзбекистон мисолида гендер тенгсизлик даражаси ва унинг омиллари таққослаб таҳлил қилинди. Бу ёндашув гендер тафовутларининг универсал ва миллий хусусиятларини ажратиш кўрсатиш имконини берди.

Тадқиқотда иқтисодий-статистик таҳлил ҳам муҳим ўрин эгаллади. Халқаро ташкилотлар, жумладан Халқаро меҳнат ташкилоти (ILO)[7], Жаҳон банки (World Bank)[8] ва OECD маълумотлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотлари асосида гендер тафовутларининг динамикаси ўрганилди. Бу маълумотлар асосида аёллар ва эркеклар ўртасидаги иш ҳақи фарқи, меҳнат бозорида иштирок даражаси ҳамда касбий сегрегация ҳолатлари таҳлил қилинди.

Бундан ташқари, институционал таҳлил усули ёрдамида меҳнат бозорида гендер тенгсизликни шакллантирувчи ҳуқуқий ва ташкилий омиллар баҳоланди. Хусусан, меҳнат қонунчилиги, гендер сиёсати ва ижтимоий ҳимоя механизмларининг самарадорлиги таҳлил қилиниб, уларнинг амалдаги таъсири ўрганилди. Ушбу ёндашув гендер тафовутларининг фақат иқтисодий эмас, балки институционал сабабларини ҳам аниқлаш имконини берди. Шунингдек, тадқиқот жараёнида контент таҳлил усулидан ҳам фойдаланилди. Сўнгги 2020–2025 йилларда чоп этилган илмий мақолалар мазмун жиҳатдан таҳлил қилиниб, уларда гендер тенгсизлик сабаблари қандай талқин қилингани ўрганилди. Бу эса илмий адабиётлардаги асосий тенденциялар ва ёндашувларни умумлаштиришга хизмат қилди.

Умуман олганда, қўлланилган усуллар ўзаро боғлиқ ҳолда тадқиқотнинг илмий ишончилигини таъминлаб, меҳнат бозорида гендер тафовутларининг келиб чиқиш сабабларини ҳар томонлама ёритиш имконини берди.

Меҳнат бозорида гендер тафовутлари шаклланиши оддий ва бир йўналиши жараён эмас, балки бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган бир нечта омиллар таъсирида вужудга

келадиган мураккаб тизим сифатида намоён бўлади. Бунда инсон капитали, меҳнат бозори таркиби, институционал муҳит ва ижтимоий муносабатлар ўзаро таъсирга киришиб, гендер фарқларининг сақланиб қолишига ёки кучайишига хизмат қилади [4; 11; 12].

Инсон капитали нуқтаи назаридан қаралганда, меҳнат бозорида аёллар ва эркеклар ўртасидаги фарқлар муайян даражада таълим, касбий тайёргарлик ва иш тажрибаси билан изоҳланади. Бироқ замонавий шароитда кўп ҳолларда аёллар таълим даражаси бўйича эркеклардан ортида эмас, айрим соҳаларда ҳатто устунликка ҳам эга. Шунга қарамайдан, меҳнат бозорида уларнинг мавқеи тенг эмаслиги кузатилади. Бу ҳолат инсон капитали омиллари етарли тушунтириш бермаслигини, демак, бошқа омиллар ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини англатади[4]. Айниқса, иш фаолиятидаги узилишлар масаласи муҳим ўрин тутди. Бола парвариши ва оилавий масъулиятлар кўпроқ аёллар зиммасига тушиши натижасида уларнинг меҳнат стажи узлуксиз шаклланимайди, бу эса кейинчалик иш ҳақи даражаси ва карьера ўсишига таъсир кўрсатади [6].

Меҳнат бозорининг таркибий тузилиши ҳам гендер тафовутларини чуқурлаштирувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Аёллар ва эркекларнинг турли соҳаларда жамланиши иқтисодий натижаларда сезиларли фарқларни келтириб чиқаради. Аёллар асосан таълим, тиббиёт, ижтимоий хизматлар каби соҳаларда фаол бўлиб, ушбу соҳаларда иш ҳақи даражаси нисбатан паст бўлади. Эркеклар эса саноат, қурилиш ва технология соҳаларида кўпроқ банд. Бу ҳолат меҳнат бозорида горизонтал сегрегация сифатида намоён бўлади [11;12]. Шу билан бирга, бир хил соҳа доирасида ҳам лавозимлар бўйича фарқлар кузатилади, яъни раҳбарлик лавозимларида эркеклар устунлиги сақланиб қолади, бу эса вертикал сегрегация орқали гендер тафовутларини янада кучайтиради[7].

Институционал муҳит доирасида гендер тафовутлари кўп ҳолларда расмий қонунчилик билан эмас, балки амалдаги меҳнат муносабатлари орқали шаклланади. Қонунларда тенг ҳуқуқ ва имкониятлар белгиланган бўлса-да, иш берувчиларнинг қарор қабул қилиш жараёнида аёлларга нисбатан эҳтиёткор муносабати сақланиб қолиши мумкин. Айниқса, ёш аёлларни ишга қабул қилишда уларнинг келажакда декрет таътилига чиқиши эҳтимоли ҳисобга олиниши кузатилади[9]. Бу ҳолат кўпинча яширин шаклда намоён бўлиб, меҳнат бозоридаги тенгсизликни сақлаб қолади. Шу билан бирга, иш вақтининг мослашувчан эмаслиги ва болалар парвариши инфратузилмасининг етарли даражада ривожланмаганлиги ҳам аёлларнинг меҳнат бозоридаги фаоллигини чеклайди[10].

Ижтимоий омиллар гендер тафовутларининг энг барқарор ва чуқур илдиз отган қисми ҳисобланади. Жамиятдаги анъанавий гендер роллари аёлларнинг иқтисодий фаоллигини чеклайдиган муҳим омил сифатида намоён бўлади. Аёллардан кўпроқ уй ишлари ва фарзанд тарбиясига масъул бўлиш кутилса, эркеклардан асосий даромад манбаи бўлиш талаб қилинади. Бу ҳолат меҳнат бозорида қарор қабул қилиш жараёнларига ҳам таъсир кўрсатиб, гендер тафовутларини сақлаб қолади [11;12].

Ўзбекистон меҳнат бозори шароитида ушбу жараёнлар ўзига хос тарзда намоён бўлади. Аёлларнинг таълим даражаси юқори бўлишига қарамайдан, уларнинг меҳнат бозоридаги иштироки ва даромад даражаси эркекларга нисбатан пастлигича қолмоқда. Аёллар асосан бюджет соҳаларида жамланган бўлиб, ушбу соҳаларда иш ҳақи чекланган. Шу билан бирга, раҳбарлик лавозимларида аёллар улуши нисбатан пастлиги сақланиб қолмоқда [1;2; 3].

Сўнгги йилларда гендер тенгликни таъминлашга қаратилган сиёсатлар ушбу фарқларни камайтиришга хизмат қилмоқда. Бироқ меҳнат бозорининг таркибий хусусиятлари ва ижтимоий қарашлар таъсирида гендер тафовутлар ҳали ҳам барқарор сақланиб қолмоқда (Stat.uz, 2024). Меҳнат бозорида гендер тафовутлари иқтисодий, институционал ва ижтимоий омилларнинг биргаликдаги таъсири натижасида шаклланади ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги мазкур муаммони мураккаб ва кўп қиррали ҳолатга айлантиради.

Меҳнат бозорида гендер тафовутларининг келиб чиқиш сабаблари юзасидан олинган натижалар мавжуд илмий қарашлар билан уйғун ҳолда шаклланади ва айни пайтда уларни муайян жиҳатларда тўлдиради. Хусусан, инсон капитали назарияси гендер фарқларини таълим ва иш тажрибаси билан изоҳлашга ҳаракат қилади[4], бироқ амалий ҳолатда бу омиллар гендер

тафовутларини тўлиқ тушунтириб беролмаслиги аён бўлади. Бир хил малака ва билимга эга бўлган ҳолда ҳам аёллар ва эркеклар ўртасида даромад ва карьера имкониятлари бўйича фарқлар сақланиб қолиши гендер тенгсизликнинг чуқурроқ табиатга эга эканини кўрсатади.

Бу ҳолат меҳнат бозорининг сегментацияси назарияси билан изоҳланади. Аёллар ва эркекларнинг турли иқтисодий соҳаларда жамланиши нафақат иш ҳақидаги фарқларни келтириб чиқаради, балки уларнинг меҳнат бозоридаги имкониятларини ҳам чеклайди[5]. Шу нуқтаи назардан қаралганда, гендер тафовутлари фақат индивидуал танлов натижаси эмас, балки меҳнат бозорининг таркибий хусусиятлари билан белгиланади.

Институционал ёндашув доирасида эса гендер тафовутлари меҳнат бозоридаги расмий ва норасмий қоидалар таъсирида шаклланиши билан изоҳланади. Қонунчиликда тенг ҳуқуқлар белгиланган бўлишига қарамадан, амалда иш берувчиларнинг қарорлари, иш шароити ва ташкилот маданияти гендер тенгсизликни сақлаб қолиши мумкин [8]. Айниқса, аёлларнинг меҳнат бозоридаги фаоллигига бола парвариши билан боғлиқ инфратузилманинг ривожланмаганлиги салбий таъсир кўрсатади.

Ижтимоий ёндашув эса гендер тафовутларининг энг барқарор сабабларини очиб беради. Жамиятда шаклланган гендер роллари иқтисодий қарорларга ҳам таъсир кўрсатади. Аёлларнинг “уй ва оила” билан боғлиқ вазифаларга кўпроқ йўналтирилиши уларнинг меҳнат бозоридаги фаоллигини чеклайди, эркекларнинг эса “асосий даромад манбаи” сифатида қабул қилиниши уларнинг карьера имкониятларини кенгайтиради[8]. Бу ҳолат гендер тенгсизликнинг маданий асослари мавжудлигини кўрсатади. Ўзбекистон шароитида ушбу омиллар ўзаро боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Миллий меҳнат бозорида гендер тафовутлари асосан соҳалар бўйича тақсимот, иш ҳақи даражаси ва раҳбарлик лавозимларида иштирок даражаси орқали кўринади. Шу билан бирга, давлат сиёсатида гендер тенгликни таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар кучайиб бораётгани ижобий ўзгаришлар учун асос яратмоқда[1]. Бироқ мавжуд ижтимоий қарашлар ва меҳнат бозорининг таркибий хусусиятлари ушбу жараённинг секин кечишига сабаб бўлмоқда.

Шу нуқтаи назардан, гендер тафовутларини камайтириш фақат иқтисодий чоралар билан чекланиб қолмаслиги керак. Меҳнат бозорини диверсификация қилиш, аёлларни юқори даромадли соҳаларга жалб этиш, болалар парвариши инфратузилмасини ривожлантириш ва гендер стереотипларини камайтиришга қаратилган ижтимоий сиёсатлар муҳим аҳамият касб этади. Фақат комплекс ёндашув орқалигина меҳнат бозорида барқарор гендер тенгликка эришиш мумкин. Тадқиқот натижалари гендер тафовутлари кўп қиррали ва тизимли муаммо эканини тасдиқлайди. Уларнинг бартараф этилиши иқтисодий ўсиш, меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш ва ижтимоий адолатни таъминлаш нуқтаи назаридан муҳим аҳамиятга эга.

Меҳнат бозорида гендер тафовутларини таҳлил қилиш натижасида мазкур муаммо кўп қиррали ва ўзаро боғлиқ омиллар таъсирида шаклланиши аниқланди. Гендер фарқлари фақат инсон капиталидаги тафовутлар билан чекланиб қолмасдан, меҳнат бозорининг таркибий хусусиятлари, институционал муҳит ва ижтимоий қарашлар билан узвий боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Тадқиқот жараёнида аёллар ва эркеклар ўртасидаги фарқлар меҳнат фаолиятидаги узилишлар, соҳалар бўйича ажралиш ва карьера ўсишидаги номутаносибликлар орқали шаклланиши баён этилди. Шу билан бирга, яширин институционал чекловлар ва жамиятдаги анъанавий гендер роллари мазкур тафовутларни сақлаб қолишда муҳим ўрин тутиши ёритилди.

Ўзбекистон меҳнат бозори мисолида гендер тафовутлари соҳалар бўйича бандликда, иш ҳақи даражасида ва раҳбарлик лавозимларида намоён бўлиши қайд этилди. Шу билан бирга, сўнгги йилларда амалга оширилаётган гендер сиёсати мазкур фарқларни қисқартириш учун асос яратаётгани таъкидланди.

Умуман олганда, меҳнат бозорида гендер тенгликка эришиш комплекс ёндашувни талаб этади. Иқтисодий, институционал ва ижтимоий чораларни уйғун ҳолда амалга ошириш орқали гендер тафовутларини қисқартириш ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш имконияти ошади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдурахмонов, К.Х. Экономика труда. – Ташкент, 2022.
2. Абдурахмонов, Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти. – Тошкент, 2022.
3. Турсунов, Б.О. Меҳнат бозори иқтисодиёти. – Тошкент, 2021.
4. Becker, G. Human Capital: A Theoretical and Empirical Analysis. – Chicago: University of Chicago Press, 1993.
5. Blau, F., Kahn, L. The Gender Wage Gap: Extent, Trends, and Explanations // Journal of Economic Literature. – 2017. – Vol. 55, № 3. – P. 789–865.
6. Goldin, C. Career and Family: Women’s Century-Long Journey toward Equity. – Princeton: Princeton University Press, 2021.
7. International Labour Organization (ILO). Global Wage Report 2022–2023. – Geneva, 2023.
8. World Bank. Women, Business and the Law 2023. – Washington, DC, 2023.
9. Капелюшников, Р.И. Гендерные различия на рынке труда. – Москва: НИУ ВШЭ, 2021.
10. Гимпельсон, В.Е. Рынок труда и неравенство. – Москва: Издательский дом ВШЭ, 2020.
11. Всемирный банк. Женщины, бизнес и закон. – Москва, 2022.
12. OECD. Гендерное равенство. – 2023.